

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ УЛУГБЕК МАМИТБЕКОВИЧ

**ТОЛАНИ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАҚСАДИДА ИККИ СЕКЦИЯЛИ ТОЛА ТОЗАЛАШ УСКУНАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

05.02.03-“Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (DOCTOR OF
PHILOSOPHY) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021 йил

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Муминов Улугбек Мамитбекович

Толани тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида икки
секцияли тола тозалаш ускунасини такомиллаштириш ва
унинг асосий ўлчамларини асослаш..... 3

Муминов Улугбек Мамитбекович

Совершенствование двухсекционного волоконочистителя
с целью повышения эффективности очистки волокна и
обоснование его основных параметров..... 21

Muminov Ulugbek Mamitbekovich

Improvement of two-section fiber cleaning equipment and
justification of its basic sizes to increase the efficiency of
fiber cleaning..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МУМИНОВ УЛУГБЕК МАМИТБЕКОВИЧ

**ТОЛАНИ ТОЗАЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
МАҚСАДИДА ИККИ СЕКЦИЯЛИ ТОЛА ТОЗАЛАШ УСКУНАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЎЛЧАМЛАРИНИ
АСОСЛАШ**

05.02.03-“Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (DOCTOR OF
PHILOSOPHY) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2021 йил

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T2099 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институти ва "Paxtasanoat ilmiy markazi" АЖ да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида www.namnti.uz ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида www.ziyo.net жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадрахимов Дилшодбек Усувжонович
техника фанлари фалсафа доктори,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Эргашев Жамолiddин Саматович
техника фанлари доктори, доцент

Ибрагимов Фарход Хайруллаевич
техника фанлари фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «23» сентябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишish мумкин (418-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «11» сентябрь даги № 51-рақамли реестр баённомаси).



Р.М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Қ.М.Холиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тўқимачилик саноатининг асосий хомашёларидан бири бўлган пахта толаси ишлаб чиқарувчи техника ва технологияларини такомиллаштириш орқали ускуналар иш унумдорлигини, тозалаш самарадорлигини яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини оширувчи техникаларни яратишга катта эътибор қаратилмоқда¹. Тўқимачилик саноатининг тола сифатига бўлган талаблари ортиб бормоқда. Толанинг сифатига уни жинлаш жараёнидан кейин тозалаш жараёнининг таъсири катталиги юқори тозалаш самарадорлигига эга тола тозалагичларни, жумладан аррали тола тозалагичларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан толанинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш дунё бозорида тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини муайян даражада юксалишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришда сифатли тола тайёрлашнинг замонавий, автоматлашган, юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатини таъминлаш мақсадида тола тозалагичларни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада пахта тозалаш саноати корхоналарида пахтани дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш орқали истеъмол хусусиятларини яхшилаши муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли пахта толасини ифлосликлардан тозалаш янги техника ва технологияларини ишлаб чиқиш, илмий асосларини яратишга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда пахтачилик саноатида пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва ишлаб чиқарилаётган толанинг сифатига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ўзгарди. Ўзбекистон Республикасининг йиллик инвестиция дастурлари доирасида пахта тозалаш корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш, ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сонли «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури

¹Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифани амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди. II "Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш".

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Толанинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш ва хом ашёданоқилона фойдаланиш, амалий илм-фан фундаментал масалаларни ривожлантириш ва юқори самарали тозалаш машиналари яратишда илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларини биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан толали материалларни тозалаш технологик жараёнининг жадаллигини ошириш муаммосини ҳал этилади.

Пахта толасини аррали тола тозолагичларда тозалаш технологик жараёнини кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган, улардан – В.Лугачев, Д.А.Котов, Р.А.Гуляев, И.Т.Максудов, И.К.Хафизов, А.И.Крыгин, Х.К.Турсунов, Е.И.Громова, Р.В.Корабельников, Т.М.Кулиев, Р.Ш.Сулаймонов ва бошқалар. Юқорида қайд этилган олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, такомиллаштирилган тўғри оқимли бир, иккива уч барабанли тола тозолагичлар тола тозалаш технологияларида ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, улар маълум маънода тозаланаётган тола сифатини оширади.

Мавжуд тозалаш ускуналарини модернизациялаш асосан ишчи органларнинг тезлик режимларини ўзгартириш, технологик тирқишларни ростланишини яхшилаш, тозалаш босқичлари сонини кўпайтириш ва ўлик(чиқиндили тола) ажратувчи колосникларни турли шаклларида фойдаланиш йўналишида амалга оширилди. Шу билан бирга, бир хил турдаги ишчи органлардан кетма-кет фойдаланган ҳолда толали материалга механик таъсирларнинг интенсифланиши толанинг эшилишига, унинг табиий хоссалари: мустаҳкамлиги, эластиклиги, узунлиги ва ингичкалигининг йўқолишига олиб келади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Рахтасаноат ilmiy markazi” АЖ , ЁА-3-004 “Тўғри оқимли тола тозолагични техник-иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш учун аррали цилиндр конструкциясини такомиллаштириш орқали модернизация қилиш” номли давлат гранти доирасида ҳамда Андижон машинасозлик институти докторантурасида тасдиқланган илмий тадқиқот йўналиши бўйича бажарилган (илмий кенгашнинг қарори №5 2020 йил 30 декабр).

Тадқиқотнинг мақсади тола тозолагич аррали цилиндрининг пухталигини ошириш, колосник ва аррали цилиндр орасидаги керакли технологик масофани таъминлаш орқали бегона ифлос аралашмаларини ажратишни яхшилаш билан толани тозалаш сифатини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жинлар ишлаб чиқарадиган толани тозалаш технологик жараёнларини ва тола тозалаш машиналарининг конструкцияларини такомиллаштириш йўналишлари ва йўлларини таҳлил қилиш;

тола тозалаш технологик жараёнини такомиллаштириш ҳамда назарий ва экспериментал тадқиқотлар орқали қўшимча ўрганиш, параметрларни асослаш мақсадида икки секцияли тола тозалагичнинг технологик жараёнини ўрганиш;

толани тозалаш технологик жараёни ва ишлаб чиқилган икки секцияли тола тозалагичнинг асосий параметрларини асослаш учун зарурий назарий ва тажриба ишларини ўтказиш;

пахта тозалаш корхонасидаги мавжуд бир барабанли тўғри оқимли тола тозалагичлар билан тола тозалагичнинг ишлаб чиқилган ва параметрларини асосланган варианты билан қиёсий ўрганиш, уларни ишлаш технологик жараёнининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

республика пахта тозалаш корхоналарида такомиллаштирилган икки секцияли тола тозалагичини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти тўғри оқимли икки секцияли аррали тола тозалаш машиналарида толани тозалаш технологик жараёнининг қонуниятлари ва режимлари.

Тадқиқотнинг предмети аррали жинлар томонидан чиқарилган толани тозалаш учун ишлаб чиқилган икки секцияли тола тозалагичининг конструкцияси ва технологик жараёни.

Тадқиқот усуллари. Назарий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган икки секцияли тола тозалагичнинг рационал технологик ва лойиҳалаш параметрларини ўрнатиш имконини берувчи математик моделлар ишлатилган. Дифференциал тенгламаларнинг ечимлари компьютерлар ёрдамида аналитик ва сонли усуллар билан бажарилди. Тажриба ишлари пахта тозалаш корхонаси шароитида олиб борилди.

Жараённинг экспериментал тадқиқотлари технологик ташкил этилган тажриба объектларида тажрибаларни режалаштиришнинг мавжуд усуллари ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта толасини ифлосликлардан тозалаш учун мустақил юритгичга эга икки секциядан иборат тола тозалагичнинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

жиннинг иш унумдорлигига боғлиқ равишда тола тозалагичнинг икки ёки битта секциясига йўналтиришни таъминловчи конструкцияси ишлаб чиқилган;

чиқинди таркибидаги тола миқдорини талаб даражасида бўлишини таъминлаш асосида тола тозалагичнинг колосникларини ўрнатиш қадами аниқланган;

икки секцияли тола тозалагичдаги арралар сони, аррали цилиндрларни тезликлари ва аэродинамик иш режими чиқиндидаги толани камайтириш шартидан келиб чиқиб асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

пахта толасини ифлосликлардан тозалашни амалга оширадиган икки секцияли ресурстежамкор ускуна ишлаб чиқилди;

III ва IV навли пахталарни қайта ишлашда жин машинасини унумдорлиги 2 марта пасайганлиги натижасида ишлаб чиқилган тола тозалаш ускунасининг битта секциясини ишлатиш хисобига энергия ва ресурс сарфи камайишига эришилган;

арралицилиндрларининг пухталиги ортиши, тебранишларни камайиши хисобига арралицилиндрлар ва колосниклар орасидаги талаб этилган масофани ўрнатиш натижасида тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги кўтарилди, чиқиндилардаги толанинг миқдори деярли икки марта камаяди, мос равишда чиқиндилардаги толанинг массаси пахта массасига нисбатан камайиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти пахта толасини тозалаш технологик жараёнини такомиллаштирилганлиги, толани ифлосликлардан аррали ишчи органлари билан ажратиб олиш боғланишлари ва тозалаш самарадорлигини ишчи органлар айланиш тезлигига аналитик боғланишлари ишлаб чиқилганлиги, ишчи органларнинг рационал иш режимларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг изчил мослиги билан тасдиқланади. Танланган тўғри оқимли тола тозалагичнинг тебраниш динамикасини аналитик ўрганиш, тола тозалаш технологик жараёнининг назарий боғлиқликларидан олинган бўлиб, унинг тўғрилиги тола тозалагичнинг тажриба намунасининг ишлаб чиқилган конструкциясини лаборатория ва завод тадқиқотлари билан тасдиқланади. Шунингдек, ўтказилган назарий тадқиқотлар натижаларининг тажрибавий тадқиқотлар натижаларига мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган такомиллаштирилган тола тозалагич “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги “Бўз пахта тозалаш” АЖ ва “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖнинг 2021 йил 22 апрелдаги ФТ-18/894-сон маълумотномаси). Натижада тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 40-45 % гача ошгани ҳолда, чиқиндидаги тола миқдори 23 % дан 12 % гача камайиши хисобига толани чиқиши 0,2-0,3 % га кўпайишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятини асослаб беради, тадқиқот мақсади ва вазифаларини шакллантиради, тадқиқот объекти ва предметини тавсифлайди, тадқиқотларнинг Республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлигини кўрсатади, илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён этади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларининг бажарилиши, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот беради.


Диссертациянинг "**Муаммонинг ҳолати ва тадқиқот вазифалари**" деб номланган биринчи боби адабий манбаларнинг таҳлилий шарҳига ва пахтани жинлаш жараёнида толаларни тозалаш технологияси ва техникасининг ҳозирги ҳолатини таҳлиliga бағишланган. Ушбу бобда толани тозалаш технологияси ва техник воситаларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тола тозалагичнинг ишлашидаги камчиликларнинг асосий сабаби тола тозалагичнинг мажбурий тебранишидир. Тола тозалагичнинг аррали цилиндри ўрнатилган ишлаш режимида мажбурий тебранишларни бажаради. Кам мустаҳкамлик, аррали цилиндрларнинг мувозанатлашмаслиги ва натижада сезиларли тебраниш, тозаланган толанинг сифати ва ускунанинг ишончилигига таъсир қилувчи технологик тирқишларни ўрнатишнинг деярли иложи йўқ.

"Рахтасаноат илмий маркази" АЖда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида тўғри оқимли тола тозалагичнинг янги конструкциясининг схемаси ва конструкторлик чизмалари ишлаб чиқилди (1-расм) ва унинг тадқиқотлари пахта тозалаш корхонаси шароитида амалга оширилди.

Такомиллашган аррали тола тозалагич қуйидагилардан ташкил топган: рама 1, унга тола тозалагич корпуси маҳкамланади, аррали цилиндрлар 10, корпус подшипниклари 8 ва 9, колосниклар 11, корпуснинг узунлиги бўйлаб ўртасига ўрнатилган вертикал кўндаланг девор 5, унга тола тозалагичнинг ўртасида, подшипник корпусларини 8 ва 9 подшипникларда алоҳида-алоҳида аррали цилиндрлар 10 учлари подшипникларда ўрнатилган, ҳар қайси цилиндрни ўз электр двигатели 18 бор.


Тола тозалагичнинг ишлаши мавжуд тўғри оқимли бир барабанли тола тозалагичнинг технологик жараёнидан фарқ қилмайди, фарқи шундаки, толанинг ҳаво оқими билан аралашмаси жиндан улаш трубази орқали кириш трубази орқали тола тозалагичнинг иккита алоҳида жойлашган аррали цилиндрларига киради.



1-расм. Тола тозалагич конструкциясининг схемаси. 1-рама; 2-тола тозалагич корпуси; 3-4-чекка деворлари; 5-ўрта девор бўлаги; 6 ва 7-таянчлар; 8 ва 9 подшипник корпуслари; 10 - аррали цилиндр; 11-колосниклар; 12-аррали валлар; 13-арралар; 14-арра оралик кистирма; 15-махкамловчи гайкалар; 16-қия шайба; 17-шпонка; 18-электр двигатель.

I ва II навли пахталарда тола тозалагичнинг ҳар бир қисми учун 1000 кг/соат атрофида тола ўтади, III ва IV навли пахталарда эса 500-600 кг / соат атрофида, ҳар бир аррали цилиндри 3 кВт/соат қувватга эга алоҳида юритгич билан жиҳозланганлигини ҳисобга олиш керак.

Муаммо тола тозалагич устида тола оқимини ажратиш, ёки жиндан чиқаётган толалар оқимини бирлаштириш йўли билан ҳал этилади, тозалалагични жин билан боғловчи тўғри бурчакли тола қувири олдида бир аэродинамик бурун билан бўлгич 25 иккала қисмлари бўйича ҳар икки томонга $\alpha = 45^\circ$ бурчак билан бурилиш имконияти билан ўрнатилган (2-расм).




2-расм. Тола тозалагичнинг бўлгичини модернизациялаш схемаси

Бундан ташқари, “Бўз” пахта тозалаш заводида ўрнатилган ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг технологик жараёнини ўрганиб, муаллиф томонидан схема ишлаб чиқилди (3-расм). Схемага асосан жин томонга ўрнатилган тола тозалагичнинг бир ён томони жалюзали панжарасиз қилинади

“Бўз” пахта тозалаш корхонаси шароитида ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг ишлаши давомида унинг паст навли пахтани қайта ишлашда самарасиз ишлатилиши аниқланди. ДП-130 ва 5ДП-130 арра жинлари I ва II навли пахталарда 2000 ± 200 кг/соат, III ва IV навли пахталарда эса 1200 ± 100 кг/соат тола ишлаш қувватига эга бўлгани учун, яъни паст навларда жиннинг тола бўйича ишлаш унумдорлиги деярли икки мартага камаяди.


Тола тозалагичнинг таклиф этилаётган конструкциясидаги юқоридаги фарқли хусусиятлар туфайли жиннинг ишлашига қараб тола оқимини икки қисмга бўлиш ёки уни бирлаштириш ва тола тозалагичнинг бир танланган қисмини ишлатиш мумкин. Шу билан бирга тола тозалагичнинг бошқа қисми тўхтайдди. Буларнинг барчаси тола тозалагичнинг янада самарали ишлашига олиб келади ва ресурсларни тежашни таъминлайди.

ва тола тозалагичнинг ўртасида жойлашган умумий ён томони алоҳида-алоҳида қилиниши таклиф қилинган.



3-расм. Такмиллаштирилган тола тозалагичнинг конструкция схемаси.

Тола тозалагичларнинг ўлчамларини оддий ошириш бу ерда мос эмас, чунки 4-расмга мувофиқ адабиёт маълумотлари, арра цилиндрининг узунлиги арра валининг диаметрини ортишидан кўра унинг қаттиқлигига кўпроқ таъсир қилади ва бу аррацилиндрининг массасини қўшимча ошишига ва унинг мустаҳкамлигини пасайишига олиб келади.



4-расм. Тола тозалагич валининг эгилиши схемаси: а) – амалдаги; б) – таклиф этилган.

амплитудаси бошланғич шароит ва вақтга боғлиқ эмас. Вақт ўтиши билан у ўзгармайди ва шунинг учун мажбурий тебранишлар, эркинликлардан фарқли ўлароқ, қаршилиқлар таъсирида тўхтамайди. Резонансда $p=k$, бўлганда мажбурий тебранишлар амплитудаси чекли бўлиб қолади ва бундан ташқари, унинг берилган система учун мумкин бўлган қийматларининг энг каттаси бўлмайди. Аслида, амплитуда бўлган p , нинг қийматларини қуйидагича аниқланади:

Тола тозалагич конструкциясида таклиф этилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган тозалагичнинг технологик жараёни ўрганилади ва унинг асосий параметрлари ва иш режимлари асослаб берилади.

"Ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг параметрларини асослаш" номли диссертациянинг иккинчи бобида ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг асосий параметрлари ва иш режимларини назарий асослаш натижалари келтирилган.

Пахта тозалаш заводларининг бир босқичли толани тозалашга ўтиши тола тозалагичнинг ишлашини соддалаштиришга олиб келди, аммо бу унинг ишончилиги муаммосини ҳал қилмади.


5 – расмга мувофиқ тола тозалагич тебранишларининг соддалаштирилган моделини кўриб чиқамиз, улар учта тебранишдан иборат: эркин қўшилувчи тебранишлар ва гармоник бузилишлар.

Мажбурий тебранишларнинг


$$A = \frac{h}{\sqrt{(k^2 - p^2)^2 + 4\Pi^2 p^2}} \quad (1)$$

Тебраниш максимал даражага етади, бу қачон содир бўлишини топамиз
 $p^2 = k^2 - \Pi^2$,

яъни, резонанс бошланишидан олдин, $p < k$ бўлган шартда



5-расм. Тола тозалагич тебранишларининг соддалаштирилган модели.



6-расм. Аррали цилиндрнинг ўзига тегишли уч шаклдаги тебранишлари.


Аррали цилиндрнинг тебранишлари учларида шарнир равишда қўллаб, бир эркинли таёқчанинг тебранишлари деб қабул қилинади (6-расм).

Бундай таёқ учун ўзига тегишли тебраниш частотаси

$$p_i = \frac{i^2 \pi^2}{l^2} \sqrt{\frac{EJ}{\mu}} \quad (i=1, 2, 3 \dots) \quad (2)$$

Тола тозалагичнинг ишлаш шароитига кўра технологик тозалаш жараёнидан ўтгандан кейин ушланган тола ўз-ўзидан арра тишларидан тушиб қолиши талаб этилади. Ушбу талаб, агар унинг ишлаш тезлиги режими маълум бўлса, тиш олд юзининг ишчи орган радиусига оғиш бурчагини тўғри танлаш билан амалга оширилади.

Олдинги тадқиқотларда оғиш бурчагини аниқлашда тола тўдасига таъсир этувчи кучлар арра тишининг юқори қисмига нисбатан қўлланилган деб тахмин қилинган. Дарҳақиқат, тишдаги тола тўплами фазовий жойлашишга эга бўлиб, оғиш бурчаги φ билан характерланади (7-расм).




7-расм. Тола тўпламига таъсир этувчи кучлар.

бурчак қийматини аниқлаш учун ифода олинди:

$$\operatorname{tg} \alpha \leq \frac{\operatorname{tg} \varphi - f}{1 + f \operatorname{tg} \varphi} \quad (3)$$

3-формуланнинг таҳлили шуни кўрсатадики, тола тўпламининг оғиш бурчаги ошган сари α бурчак ортиб боради (8-расм).



8-расм. Толанинг пўлат бўйича ишқаланиш коэффициентдаги тола тўпламининг оғиш бурчагига қараб тиш олд юзининг ишчи орган радиусига оғиш бурчагининг ўзгариши чизмаси $f = 0,3$.

Тола тўплами иложи борича четга чиққач, яъни унга таъсир этувчи кучларнинг мувозанати туфайли бундан кейинги оғиш бўлмайди, шунда кейинги колосникни ўрнатиш керак (9-расм).


Арра тиши томонидан илиб олинган толага марказдан қочма куч P_c ва ҳавонинг босим кучи P_c , тола тўпламининг оғирлик маркази S таъсир этади.

Биринчи оғирлик маркази орқали ўтиб ишчи органи радиуси бўйлаб қаратилган, иккинчи куч биринчисига перпендикуляр йўналган.

Толани арра тишларидан ўз-ўзидан тушириб юбориладиган α

Колосникларнинг ҳолати ва тола тозалагич колосникларининг ўрнатиш қадами ифлослик ажралиш жараёнига ва нуқсонлар таркибига сезиларли таъсир кўрсатади. Колосникни ўрнатиш қадамининг ортиши билан нафақат тозалаш самарадорлиги ортади, балки тола йўқотишларига сабаб бўладиган чиқиндиларнинг тола таркиби ҳам ортади.

Тола тўплами биринчи колосникдан чиққандан кейин аррали цилиндр сиртидан четга чиқа бошлайди.



9-расм. Колосникнинг четки ҳолатида унинг устидан ўтаётганифлосликни ажратиш шартлари.

Назарий тадқиқотлар натижасида колосник қадами L нинг қийматини аниқлаш учун ифода олинган:

$$L = \sqrt[6]{\frac{6PR^3}{\rho}} - \sqrt[3]{\frac{0,75P}{\rho}} \left(\frac{kgR}{P} - 1 \right) \quad (4)$$

Бу ерда P – ифлослик оғирлиги, г; R – колосникнинг эгрилик радиуси, см;

ρ – ифлосликни зичлиги, г/см³;

k – аэродинамик коэффициент.

Олинган ифодадан шундай хулоса келиб чиқадики, колосникнинг ўрнатиш қадами ифлосликнинг массаси ва зичлигига, колосникнинг эгрилик радиусига ва тола тозалагичнинг аэродинамик ишлаш режимига боғлиқ.

Тўғри оқимли тозалагичларда толаларни тозалаш аэродинамик оқимларда амалга ошади, машинанинг технологик параметрлари аэродинамик ишлаш режимига боғлиқ.

Ҳаво оқими тола ташиш учун ёрдам беради, арра тишлари билан уни илиб олишга, бошқа бир арра тишларига тола тўпламини ўтказиш ва толаларни тола ташиш қувирига чиқариш, бундан ташқари, у колосниклар оралиғидан чиқинди камерасига ўтган толали чиқиндини камерага қайтаришга хизмат қилади. Колосникли панжаралар орқали ҳаво қанча кўп сўрилса, чиқинди тола шунча кам бўлади ва аксинча. Шунинг учун янги ёки модернизация қилинган тола тозалаш қурилмаларини ишлаб чиқаришда колосникли панжаралар орқали сўриб олинган ҳаво миқдорини билиш керак, бунда энг яхши технологик кўрсаткичга эришилади.

Секундига аррали цилиндр билан киргизилган ҳаво ҳажми куйидаги муносабат билан ифодаланади:


$$Q_{max} = \frac{\pi \Delta n m (D^2 - d^2)}{240} \quad (5)$$

Бу ерда: Q_{max} – ҳавонинг максимал миқдори, м³/с; Δ – арра оралик қистирманинг қалинлиги, мм; n – аррали цилиндрни айланиш частотаси, айл/дак; m – ўқдаги арралар сони, дона; D и d – арра ва қистирмаларни диаметри, мм.


Ҳисоб-китоблар билан шуни аниқладикки, тажриба тола тозалагичида аррали цилиндрларга туширилган ҳавонинг максимал миқдори 1ВПУ марказидаги тола тозалагичларга нисбатан 21,4% га камаяди.

“Ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг тажриба тадқиқотлари усуллари ва натижалари” номли диссертациянинг учинчи бобида тажриба ишларини олиб бориш учун махсус ишлаб чиқилган усуллар, шунингдек,

ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг параметрлари ва иш режимларини аниқлаш учун экспериментал тадқиқотлар натижалари баён этилган. Таҷрибалар натижалари 10-расмда шакл кўрсатилган.




10-расм. Ишлаб чиқилган икки секцияли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги(K) ва чиқиндининг толадорлиги (B) нинг аррали цилиндрлар айланиш тезлигига боғлиқлик графиклари.




11-расм. Ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги(K) ва чиқиндининг толадорлиги (B) тола тозалагичнинг чиқиш томонида статик босимнинг миқдорига боғлиқлик графиклари.

10-расмда кўрсатилган графиклардан келиб чиқадики, тола тозалагичнинг аррали цилиндрларининг айланиш тезлиги ортиши билан чиқиндиларнинг толадорлиги (B) камаяди. Агар аррали цилиндрларнинг айланиш тезлиги 1500 айл/мин. бўлганида чиқиндининг толадорлиги 22% га тенг бўлса, 1000 айл/мин. бўлганида бу қиймат 28,6% ни ташкил этади, яъни айланиш тезлиги 1,5 марта камайиши билан чиқиндининг толадорлиги 1,3 марта ортади.

Тадқиқотлар натижасидан (11-расм) кўринадики, тола тозалагичнинг танланган статик режимда ишлаши (-80 Н/м² гача) толанинг чиқинди билан йўқотилишини камайтиради ва толани олиш миқдорини 0,2-0,3% га оширади.



а)




б)

12-расм. Ишлаб чиқилган икки секцияли тола тозалагичда олинадиган толанинг узунлиги бўйича гурухларини аррали цилиндрлар айланиш тезликларига боғлиқлик графиклари: а) 800 айл/мин, б) 1500 айл/мин.


Ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг аррали цилиндрларининг ўрганилган айланиш тезликларида (12-расм) ўзгартириш толанинг ўртача узунлигига

таъсир этмаслиги маълум бўлди, шу сабабли аррали цилиндрларни айланиш тезлигини кўпи билан 1500 айл/мин. олиш мумкин.

Чунки, ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, аррали цилиндрнинг айланиш тезлиги ўрганилган чегараларда камайганда чиқиндининг тола таркиби ортади ва тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигикамаяди.



13-расм. Тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлигининг колосникларни ўрнатиш қадамига боғлиқлиги.



14-расм. Тола тозалагичнинг чиқиндисининг толадорлигининг колосникларни ўрнатиш қадамига боғлиқлиги.

13 ва 14 расмлардан келиб чиқадики, ишлаб чиқилган тола тозалагичда аррали цилиндрнинг пухталиги ортиши туфайли колосниклар орасидаги қадамини 60 мм. гача ошириш мумкин бўлди. Бунда, тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги 38 дан 46% гача, чиқинди (ўлик) даги тола таркиби эса техник талабларга мувофиқ тавсия этилган қийматдан ошмайдиган миқдорга, яъни 12 дан 18% гача ошади. Шундай қилиб, ишлаб чиқилган тола тозалагичда колосниклар орасидаги қадамини 60 мм гача ошириш мумкин, бу эса чиқиндидаги тола таркибини 12 дан 18% гача ошириш билан бирга, 45 мм. ли колосникларқадамига нисбатан 8% гача тозалаш самарадорлигини оширишга имкон беради.

1-жадвал

Тола тозалагичдан кейин толали материалнинг йўқолишининг миқдорлари

Ишлаб чиқилган тола тозалагич	Ишланган пахтага нисбатан толали чиқиндининг массаси, %	Чиқиндининг таркибидаги эркин тола миқдори, %	Ишланган пахтага нисбатан чиқиндидаги эркин тола миқдори, %
Бухоро-102 селекцияси			
І навли пахтани ишлашда	0,5	20	0,1
ІV навли пахтани ишлашда	0,8	18	0,14
Султон селекцияси			
І навли пахтани ишлашда	0,6	18	0,11
ІV навли пахтани ишлашда	0,9	16	0,14

1-жадвалдаги маълумотлардан кўришиб турибдики, арралицилиндрларининг пухталиги, тебранишларни камайиши туфайли арралицилиндрлари ва колосниклар орасидаги талаб этилган масофани ўрнатиш мумкинлиги таъминланганлиги натижасида тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги ортади, чиқиндилардаги эркин толанинг миқдори деярли икки марта камаяди, мос равишда чиқиндилардаги эркин толанинг массаси пахта массасига нисбатан камаяди.

Тўртинчи боб "**Ишлаб чиқилган тола тозалагичнинг синовлари ва иқтисодий самарадорлиги**"да илмий-экспериментал тадқиқотлар натижасида такомиллаштирилган тола тозалагич ишлаб чиқилди (15-расм) (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк кўмитасига фойдали модел учун талабнома берилган ва ижобий хулоса олинган, 2021 йил 12 июлдаги FAP №20200159/7 сонли ёзишма) ва унинг рационал технологик кўрсаткичлари аниқланди.

2-жадвал

Тола тозалагичнинг сифат кўрсаткичлари ва чиқиндиларнинг фракцион таркиби

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қийматлар
1	Бухоро-102 селекцияси, 1/2 Намлиги (жин тарновидан) Ифлослиги (жин тарновидан)	% %	7,9 1,19
2	Толани ифлослиги Жиндан кейин	%	3,84
3	Тола тозалагичдан кейин толанинг ифлослиги	%	2,61/2,116
4	Тозалаш самарадорлиги	%	32,03/44,9
5	Ўликдаги тола миқдори	%	31,4/20,05

Илова: суратда – амалдаги 1ВПУ тола тозалагичи, махражда – ишлаб чиқилган тола тозалагич.



15-расм. Ишлаб чиқилган тола тозалагичда ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш жараёни.

3-жадвал

Тола тозалагичнинг сифат кўрсаткичлари ва чиқиндиларнинг фракцион таркиби.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қийматлар
1	Султон селекцияси 5/3		
	Намлик (жин тарновидан)	%	10,8
	ифлослик (жин тарновидан)	%	2,7
2	Толани ифлослиги жиндан кейин	%	6,4
3	Тола тозалагичдан кейин толани ифлослиги	%	4,2/3,0
4	Тозалаш самарадорлиги	%	34,37/46,9
5	Ўликдаги тола миқдори	%	33,4/22,9

Илова: суратда – амалдаги 1ВПУ тола тозалагичи, махражда – ишлаб чиқилган тола тозалагич.

2-ва 3-жадвалларда келтирилган қиёсий синовлар натижаларини таҳлил қилиб, 1ВПУ тўғри оқимли тола тозалагичга нисбатан пахтанинг биринчи саноат навида ишлаб чиқилган тола тозалагичдан кейин толадаги нуқсонлар ва бегона ифлос аралашмаларнинг массавий улуши 0,49% дан кам, пахтанинг бешинчи саноат навида эса 1,2% дан кам бўлганлиги хақида хулосага келиш мумкин.

2-ва 3-жадваллардан кўришиб турибдики, ишлаб чиқилган тўғри оқимли тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги биринчи саноат навида 12,87% ва бешинчи саноат навида 1ВПУ бир барабанли амалдаги тола тозалагич учун олинган маълумотларга нисбатан 12,53% га юқори эканлиги аниқланди.

Ва энг муҳими, 2- ва 3-жадвалларда келтирилган маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ишлаб чиқилган тола тозалагичдан кейин олинган ўликнинг таркибидаги тола биринчи саноат навида 11,35 %, бешинчи саноат навида эса 10,5% га камайди. Бу эса ишлаб чиқилган тола тозалагичдан фойдаланган ҳолда (ўлик) чиқиндилар таркибидаги тола миқдорини камайтириш натижасида кўшимча 0,2-0,3% гача тола олиш мумкинлигини кўрсатади.

Пахта тозалаш заводи учун толали тозалагичнинг тавсия этилган конструкциясини 2 дона миқдоридан ишлатиш натижаларига кўра, тозалаш самарадорлигининг ошишини ҳисобга олмаганда, иқтисодий самара 56,473 млн. сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

“Толани тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида икки секцияли тола тозалаш ускунасини такомиллаштириш ва унинг асосий ўлчамларини асослаш” мавзусида диссертация устида олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Ўзбекистон ва хориждаги узоқ муддатли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пахта толасини ифлослик ва ўликдан тозалаш жинлаш жараёнидан чиққандан кейин энг самарали ҳисобланади. Бу вақтда тола сийрак ҳолатда бўлиб, унинг алоҳида тўпламларининг оғирлиги атиги 15-20

мг ни ташкил этади. Жин арраларидан чиқарилгандан кейин толанинг ҳажм массаси $0,15-0,25 \text{ кг/м}^3$ дан ошмайди.

2. Тола тозалаш машиналарига қуйидаги технологик талаблар қўйилади: тола тозалаш машинасининг ишчи органларини толага таъсирида тола нуқсонлари шаклланишига ва табиий физик-механик хоссаларининг ёмонлашувига олиб келмаслиги керак; машиналар толадан ифлослик ва ўликнинг максимал миқдорини ажратиши, унинг стандартмеъёрларида чиқарилишини таъминлаши керак; толани тозалаш пайтида толанинг кўриниши яхшиланиши керак; чиқиндилардаги толани миқдори энг кам миқдорда бўлиши керак.

3. Аналитик текширув шуни кўрсатдики, машина оғирлиги, қувват сарфи, айланувчи ишчи органлари сони ва ўлчамлари бўйича таъминлаш столига эга бўлмаган тола тозалагичлар таъминлаш столига эга бўлган тола тозалагичларга нисбатан афзалликларга эга. Тадқиқотлар таъминлаш столи тола тозалаш машиналарининг толани модал ва штапел узунлигини қисқартиришини кўрсатди. Мустаҳкамликни камлиги, мавжуд бир барабанли тола тозалаш машиналарини аррали цилиндрларининг мувозанатини йўқлиги, ва натижада, сезиларли тебранишлар сабаб технологик тирқишларни ҳақиқатда ўрнатиб бўлмаслигига олиб келади, бу эса ишлаш ишончилигига ва тозаланаётган толани сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этади.

4. Аррали жинлар ДП-130 ва 5ДП-130 лар пахтанинг I ва II навларида $2000 \pm 200 \text{ кг/соат}$, III ва IV навларида эса $1200 \pm 100 \text{ кг/соат}$ тола олиш қувватига эга, яъни паст навларда ишлаш унумдорлиги деярли икки марта камаяди. Шунинг учун паст навдаги пахталарда тола тозалагичлар самарасиз ишлатилади.

5. Тебранишлар назариясига кўра, бутун механизм ёки унинг қисмларининг ишлаш частотаси (ω_p) уларнинг резонанс частоталари (ω_{1kp}) дан фарқли чегараларда ётиши, қаттиқ вал $\omega_p \leq 0,7\omega_{1kp}$ эгилувчанвал $1,4\omega_{1kp} < \omega_p \leq 0,7\omega_{2kp}$ бўлиши зарур. Шунинг учун, биринчи навбатда, тола тозалагич қисмлари ва тола тозалагичнинг ишчи айланишлари резонанслиларидан фарқ қилиши зарур. Резонанснинг олдини олишнинг асосий усулларида бири конструкциянинг қаттиқлигини оширишдир.

6. Ишчи орган радиуси α нисбатан арра тиши олд юзининг оғиши бурчагини қийматини толани арра тишларидан ўз-ўзидан тушиб кетиш шартидан аниқлаш учун ифода олинди: $tg\alpha \leq \frac{tg\varphi - f}{1 + ftg\varphi}$

Назарий тадқиқотлар натижасида колосник қадами қиймати L ни аниқлаш учун ифода олинган:

$$L = \sqrt[6]{\frac{6PR^3}{\pi\rho}} - \sqrt[3]{\frac{0,75P}{\pi\rho} \left(\frac{kgR}{P} - 1\right)}$$

Олинган ифодадан колосникнинг қадами ифлосликнинг оғирлиги ва зичлигига, колосникнинг эгрилик радиусига ва тола тозалагичнинг аэродинамик ишлаш режимига боғлиқ эканлиги келиб чиқади.

7. Ишлаб чиқилган тола тозалагичида аррали цилиндрлар билан сўриладиган ҳавонинг максимал миқдори 1ВПУ маркасидаги тола тозалагичларга нисбатан 21,4% га камайтирилганлиги ҳисоблаб чиқилди. "Рахтасаноат ilmiy markazi" АЖда олиб борилган аввалги тадқиқотлар асосида бир барабанли тола тозалагич 1ВПУ модернизацияси асосида тола тозалагичини такомиллаштириш йўналиши танланди.

8. Ишлаб чиқилган тола тозалагичини ишлаб чиқариш, уни "Бўз пахта тозалаш" АЖ нинг технологик линиясига ўрнатиш ва тола тозалагичнинг асосий параметрларини аниқлаш бўйича режалаштирилган тадқиқотлар, шунингдек мавжуд услубий кўрсатмаларга риоя қилган ҳолда амалдаги тўғри оқимли бир барабанли тола тозалагичлар билан қиёсий тадқиқотлар олиб борилди.

9. Тола тозалагичнинг аррали цилиндрларнинг айланиш тезлиги ортса, тола тозалагичнинг тозалаш самарадорлиги (К) ортади ва тавсия этилган тезликда (1500 айл/мин.) у максимал қийматга эга бўлади. Шу билан бирга чиқиндиларнинг толадорлиги (В) 22% га камаяди. Тажрибалар шуни аниқладики, чиқиндининг толадорлиги камайиши тола тозалагичнинг чиқиш томонида -160 Н/м^2 га тенг статик босимда таъминланади, бу эса тола олиш миқдорини 0,2-0,3% га оширади. Ишлаб чиқилган тола тозалагич томонидан олинган тола узунлиги аррали барабаннинг айланиш тезлигини ўрганилган чегараларида (800 айл/мин.дан 1500 айл/мин.гача) деярли ўзгармаслиги аниқланади.

10. Ишлаб чиқилган тола тозалагичда колосниклар орасидаги қадамни 60 мм. гача ошириш мумкинлиги исботланди, бу эса ўликдаги тола миқдорини 12 дан 18% гача ошириш билан бирга, колосникни 45 мм. га тенг қадамда ўрнатишга нисбатан 8% гача тозалаш самарадорлигини ошириш имконини беради. Ишлаб чиқариш тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган тола тозалагичдан кейинги ўликдаги тола миқдори биринчи саноат навида 11,35 %, бешинчи саноат навида эса 10,5% га камаяди. Бу эса ишлаб чиқилган тажриба тола тозалагичидан фойдаланилганда ўлик чиқинди таркибидаги тола миқдорини камайтириш натижасида қўшимча 0,2-0,3% гача тола олиш мумкинлигини кўрсатади.

11. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган тола тозалагични пахта тозалаш заводига 2 донга миқдорида жорий этишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик, тозалаш самарадорлигининг ошишини ҳисобга олмаганда, 56,473 млн сўм ни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО -
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

МУМИНОВ УЛУГБЕК МАМИТБЕКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДВУХСЕКЦИОННОГО
ВОЛОКНООЧИСТИТЕЛЯ С ЦЕЛЮ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ОЧИСТКИ ВОЛОКНА И ОБОСНОВАНИЕ ЕГО
ОСНОВНЫХ ПАРАМЕТРОВ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и робототехнические
системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган –2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/T2099.

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте и АО "Paxtasanoat ilmiy markazi".

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Наманганский инженерно-технологический институт (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мадрахимов Дилшодбек Усупжонович
доктор философии технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Эргашев Жамолиддин Саматович
доктор технических наук, доцент

Ибрагимов Фарход Хайрулаевич
доктор философии технических наук, доцент

Ведущая организация:

Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «23» сентября 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 418). (Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07)

Автореферат диссертации разослан «11» сентября 2021 года
(Протокол рассылки № 51 от «11» сентября 2021 года)



Р.М.Муродов

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Х.Т.Бобожанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., доцент

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Благодаря совершенствованию техники и технологий производства хлопкового волокна, являющегося одним из основных сырьем текстильной промышленности в мире, большое внимание уделяется повышению производительности труда, эффективности очистки оборудования, созданию методов, повышающих качество производимого волокна¹. Требования текстильной промышленности к качеству волокна растут. Величина влияния процесса очистки на качество волокна получаемого после джинирования обуславливает необходимость разработки и внедрения в практику волоконочистителей с высокой эффективностью очистки, в том числе пыльных волоконочистителей. В связи с этим улучшение потребительских свойств волокна имеет важное значение для обеспечения определенного повышения конкурентоспособности текстильной продукции на мировом рынке.

В развитии хлопкоперерабатываемой промышленности в мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на совершенствование современных, автоматизированных, высокопроизводительных машин и технологий подготовки качественного волокна, совершенствование очистителей волокна с целью обеспечения качества производимого волокна. Важное значение в этой связи имеет улучшение потребительских свойств хлопка на предприятиях хлопкоочистительной промышленности за счет совершенствования технологии первичной обработки хлопка. Поэтому большое внимание уделяется разработке новых машин и технологий очистки хлопкового волокна от примесей.

В хлопкоперерабатываемой промышленности нашей страны значительно изменились требования к технологии предварительной обработки хлопка и качеству производимого волокна. В рамках ежегодных инвестиционных программ Республики Узбекистан реализуются масштабные мероприятия по модернизации и реконструкции хлопководческих предприятий, развитию ресурсосберегающих технологий и техники, и достигаются определенные результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в частности определены работы по «...повышение конкурентоспособности национальной экономики,...снижение потребления энергии и ресурсов в экономике, внедрение в производство широкого спектра энергосберегающих технологий»².

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан от 4 марта 2015 года № ПП-4947 «о стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановление Правительства Республики Узбекистан от 4 марта 2015 года № ПП-4707 «о программе мероприятий по структурным реформам,

¹Cotton: WorldStatistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы»и другие

нормативно-правовые акты, касающиеся данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы.

Решение задачи повышения интенсивности технологического процесса очистки волокнистого материала при сохранении природных свойств и бережном использовании сырья требует совместных усилий научных и проектных организаций в разработке фундаментальных вопросов прикладной науки и создании высокоэффективных очистительных машин.

